




ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ТАШРИФ ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний 5-6 июнь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.



Икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йилдан зиёд вақт ўтган бўлса-да, илк бор амалга оширилган мазкур давлат ташрифига кейинги йилларда жадал ривожланиб бораётган ҳамкорлик натижаси сифатида алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар ташрифга жуда катта тайёргарлик кўрди, имзоландиган салмоқли ҳужжатлар тўплами тайёрланди.

Қатар Давлати Амирини 5 июнь кунли Самарқанд халқаро аэропортида давлатимиз раҳбари кутиб олди. Олий мартабали меҳмонга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 6 июнь кунли Самарқанд шаҳрида Қатар раҳбарини расмий кутиб олиш маросимидан бошланди.

Конгресс маркази олдидаги майдонда фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон Президенти олий мартабали меҳмонни самимий кутиб олди ва шохсупага таклиф қилди.

Ҳарбий оркестр икки мамлакат мадҳияларини ижро этди.

Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегация аъзоларини қутлади.

Шундан сўнг Конгресс марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёев ва Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг олий даражадаги музокаралари бўлиб ўтди.

Сиёсий мулоқот ва маданий-гуманитар алмашинувни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув аввалида Қатар Амири давлатимиз раҳбарига ташриф билан келиш таклифи ҳамда Қатар делегациясига кўрсатилаётган илиқ ва самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

Дипломатик муносабатлар тарихида биринчиси бўлган ушбу олий даражадаги ташриф икки томонлама ҳамкорликда янги босқични бошлаб бериши ҳамда уни кенг қамровли шериклик даражасига кўтаришга хизмат қилиши қайд этилди.

— Биз Қатарни нафақат Яқин Шарқ минтақасида, балки бутун араб-мусулмон оламида ўзимизнинг истиқболли ҳамкоримиз сифатида биламиз. Сиз билан сўнгги йиллардаги мулоқотларимиз боис муносабатларимизда катта силжиш кузатилмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Жорий йилда Тошкент шаҳрида Қатар элчихонаси очилгани икки томонлама ҳамкорликни фаол илгари суришда муҳим ўрин тутгани таъкидланди. Қатар томони Доҳада Ўзбекистон элчихонаси очилиши ушбу жараёнга кучли суръат бағишлаганига ишонч билдирди.

Томонлар ўзаро савдо кўрсаткичларини янада яхшилаш, қўшма инвестиция лойиҳалари ва савдо шартномаларини амалга оширишга тайёр эканликларини таъкидладилар.

Қатарнинг етакчи компаниялари энергетика, газ-кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма, логистика, туризм ва бошқа тармоқларда умумий қиймати 12 миллиард доллардан зиёд йirik инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этиши юзасидан келишувга эришилди.

Истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида шу йил сентябрь ойида Ўзбекистон — Қатар инвестиция форумини ўтказиш ҳамда қўшма лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини яратиш масаласини қўриб чиқиш таклиф этилди.

Давлат раҳбарлари Марказий Осиёни Кўрфаз мамлакатлари билан боғлайдиган энг қисқа, шонли ва хавфсиз йўлакларни шакллантириш муҳимлигини қайд этдилар.

Маданият, таълим ва туризм соҳаларидаги алмашинувларни фаоллаштиришга қаратилган савдо-ҳаракатларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, шу жумладан, биргаликда маданият

кунлари, концерт дастурлари, кўр-газмалар, хунармандчилик ва пазандчилик намоишларини ўтказишга келишиб олинди. Мамлакатларимиз пойтахтлари ўртасида йўлга қўйилиши режалаштирилаётган мунтазам авиақатновлар ишбилармонлик алоқалари ва ўзаро сайёҳлар оқимининг ортшига хизмат қилиши таъкидланди.

Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Томонлар Афғонистонга нисбатан прагматик сиёсат юритилиши, мамлакат иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш ва афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатилиши муҳимлигини таъкидладилар.

Шу маънода, Трансфғон темир йўлини барпо этиш бўйича стратегик лойиҳани амалга оширишни биргаликда илгари суриш истиқболлари қўриб чиқилди.

Учрашув сўнгида шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний давлатимиз раҳбарини Қатарга ташриф билан келишга таклиф қилди.

Олий даражадаги музокаралар якунлангач, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний хузурида савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган 15 та икки томонлама ҳужжатни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Жумладан, қуйидагилар қабул қилинди:

— Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида ҳукуматлараро битим;

— Икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш ҳамда даромад ва мулк солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш тўғрисида ҳукуматлараро битим;

— Божхона ишларида ўзаро қўмак кўрсатиш тўғрисида ҳукуматлараро битим;

— Меҳнат муносабатлари соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим;

— Дипломатик паспорт эгаларини виза талабларидан озод этиш тўғрисида ҳукуматлараро битим;

— Олий таълим ва илмий тадқиқотлар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро меморандум;

— Маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро меморандум;

— Савдо соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

— Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

— Ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

— Спорт ва ёшлар ишлари соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

— Тошкент ва Доҳа шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум. Шунингдек, ташқи ишлар ва адлия вазирликлари ўртасида 2023-2025 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурлари ҳамда Ўсмувор инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун қўшма платформа яратиш тўғрисида келишув имзоланди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний Самарқанддаги Конгресс маркази боғида биргаликда дарахт экдилар.

Бу Ўзбекистон билан Қатар ўртасидаги кўп қиррали муносабатларда янги босқич бошлангани ва етакчиларнинг халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлаш йўлидаги қатъий интилиши рамзидир.

Шу билан Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
Ўза мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТ ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТГА ОИД ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 июнь кунли Самарқанд шаҳрида Халқаро валюта фонди бошқарувчи директори Кристилина Георгиевани қабул қилди.

Ўзбекистон билан Халқаро валюта фонди ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни, жумладан, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, пул-кредит ва фискал сиёсатни тақомиллаштириш борисдаги ислохотлар каби устувор йўналишларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда ХВФ билан ҳамкорлик

сезиларли даражада фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Бу даврда фонднинг 70 дан ортиқ миссияси Ўзбекистонда бўлди, эксперт-техник қўмак кенгайиб бормоқда.

ХВФ раҳбари Кристилина Георгиева янги Ўзбекистондаги ортга қайтмас ислохотлар дастурини тўлиқ қўллаб-қувватлади ҳамда унинг амалга оширилишига

бундан буён ҳам қўмаклашишга тайёрлигини билдирди.

Глобал иқтисодиёт ва барқарор тараққиётга оид долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Шу билан Ўзбекистон Президентининг Самарқандга ташрифи якунланди, давлатимиз раҳбари Тошкентга қайтиб келди.

Ўза

ПРЕЗИДЕНТ САМАРҚАНДАГИ ЗАМОНАВИЙ МАССИВ ЛОЙИҲАСИ БИЛАН ТАНИШДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқандга ташрифи доирасида “Ширин” массивининг мастер режаси тақдироти билан танишди.

Бу маҳалла халқаро аэропорт яқинида, Зарафшон дарёси бўйида жойлашган. Сўнгги йилларда Самарқандда амалга оширилган бунёдкорликка муносиб тарзда ушбу ҳудудда замонавий массив қурилиши режалаштирилган. Бунинг учун 389 гектар ер ажратилган.

Лойиҳага кўра, массивда кўп қаватли уйлар, мактаб ва болалар боғчалари, поликлиникалар, спорт майдонлари ва кўнғилочар масканлар бўлади. Йирик бизнес ва савдо мажмуалари иқтисодиёт ривожига, иш ўринлари қўлайлишига қўшимча импульс беради. Массивни шаҳар билан боғловчи кўприк ва

йўллар, инфратузилма ва коммуникация тармоқлари барпо этилади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳани илғор шаҳарсозлик тажрибаси асосида тақомиллаштириш, ижтимоий хизматларни қўлайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Ўза



БУГУННИНГ ГАПИ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ

ЖОЗИБАДОРЛИК МАРКАЗИ, ИҚТИСОДИЙ ИМКОНияТЛАР МАКОНИ

Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги халқаро ва минтақавий барқарорликка эришишга қаратилган ташқи ва ички сиёсати Марказий Осиёда ривожланишининг янги даврини бошлаб берди. Минтақа мамлакатлари биргаликдаги интилишлари сабаб ягона макон ва мақсад сари бирлашмоқда.

Давоми 4-бетда



НУҚТАИ НАЗАР

ЎЗАРО МАНФААТЛИ МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН МУСТАҲКАМ ЗАМИН

Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг Ўзбекистонга икки кунлик давлат ташрифи ва Самарқандда ўтказилган олий даражадаги музокаралар натижалари халқаро ижтимоий-сиёсий ҳамда экспертлар ҳамжамиятининг диққат марказида бўлиб турибди.

Давоми 2-бетда

2023
9-IYUL

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
PREZIDENTI SAYLOVI

Газетамизнинг бугунги сонида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Улуғбек Иноятовнинг сайловолди ташвиқотида доир мақола чоп этилмоқда. Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

3-бетга қаранг.



ДОЛЗАРБ МАВЗУ

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА ТЎЛА ЖАВОБ БЕРАДИ

Анвар ШЕРОВ,
“Тараққиёт стратегияси”
маркази эксперти

Жорий йил 30 апрель кuni Ўзбекистон халқи янги тахрирдаги Конституцияни қабул қилиш бўйича ўтказилган референдумда фаол иштирок этиб, ўз хоши-иродасини билдирган эди. Бу билан кўп миллатли халқимиз суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат қуриш йўлида мутлақо янги босқичга қадам қўйди.

Эндиги навбат янги тахрирдаги Конституцияда белгиланган принципларни ҳеч оғишмасдан амалга ошириш, Ҳаракатлар стратегиясидан Тараққиёт стратегиясига ўтилган катта ривожланиш босқичидаги ислохотлар самарадорлигини таъминлашдир.

Албатта, бунинг учун ўтган 6 йилдан зиёдроқ вақт мобайнида етарлича тажриба тўпланди. Хусусан, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни бажаришда муҳим натижаларни қўлга киритдик.

Яна бир тарихий сана арафасида турибмиз. Жорий йил 9 июль кuni муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Бу сайловнинг аҳамияти шундаки, унда халқимиз ўз хоши-иродасини яна бир бор намоён этади ва келгуси тараққиётимиз манзиллари айнан шунга боғлиқ бўлади.

Демак, кун сайин қизғин паллага кириб бораётган Президент сайловини халқро стандартларга мос равишда ўтказиш ҳар жиҳатдан муҳим. Шу ўринда халқро сайлов стандартлари нима-ларда акс этади, деган савол туғилиши табиий.

Агар бу саволга айнан Президент сайловига хос жиҳатлар нуктаи назаридан жавоб берадиган бўлсак, олтига муҳим жиҳатни санаб ўтиш керак.

Биринчидан, Президент Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Бу Конституциямизда белгилаб қўйилган бўлиб, Сайлов кодексига ҳам ўз аксини топган.

Иккинчидан, фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат билан қараш ҳамда уларни ҳимоя қилиш, кўп партиявийлик ва мафкуранинг хилма-хиллиги, сайловни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар барқарорлиги ва уларнинг жадал демократик ривожланиши очик сайлов жараёнларини таъминлашнинг асосий шартлари бўлиши талаб этилади.

Учинчидан, сайлов органлари ёки бошқа ваколатли органлар томони-

дан овоз беришни ташкиллаштириш ва овозларни санаш, сайлов жараёни иштирокчиларининг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизми мавжудлиги ва самарали ишлаши, овоз бериш яқунлари ва сайлов натижалари устидан судга ҳамда бошқа ваколатли органларга шикоят қилиш, сайловни, шу билан бирга, овоз беришни ташкиллаштириш, овозларни санаш, сайлов натижаларини эълон қилишдек жараёнларнинг муҳим жиҳатларини одилона кузатиш талаб этилади.

Тўртинчидан, сайловда барча фуқаролар учун тенг шароит ва имконият яратиш зарур. Бунда фуқаролар тушунадиган тилда ахборот-тарғибот воситалари етказиб берилиши керак.

Бешинчидан, сайлов жараёнида гендер тенгликни таъминлаш ҳам муҳим. Гап шундаки, сайловни ўтказишда участка сайлов комиссиялари аъзоларини шакллантиришда аёллар иштирокидан тортиб, овоз бериш жараёнига қадар хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари бузилмаслиги ёки камситилмаслиги керак.

Олтинчидан, Президентликка номзодларга тарғибот-ташвиқот ўтказиши учун бир хил шароит ва тенг имконият яратиш керак, шунингдек, сайлов жараёнини халқро кузатувчилар кузатиб бориши ва таҳлил

қилиши учун имкон берилиши мақсадга мувофиқ.

Албатта, сайловга доир бошқа халқро стандартлар ҳам кўп. Айтайлик, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллари орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эгалиги, халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозимлиги белгиланган. Шунингдек, бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, умумий ва тенг сайлов ҳуқуқидан яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловда ўз аксини топиши лозимлиги қайд этилган.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқро пактда эса даврийлик принципи асосида сайлов ўтказиш, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген кенгаши ҳужжатида асосан, халқ иродаси давлат ҳокимиятининг асоси бўлиб хизмат қилиши учун иштирок этувчи давлатлар қонунда белгиланганидек оқилона вақт оралиғида эркин сайлов ўтказиши белгиланган. Европа Кенгашининг Венеция комиссияси томонидан қабул қилинган Сайловга оид йўл-йўриқ тамойилларида ҳам сайлов даврийлик принципи асосида мунтазам ўтказилишига оид жиҳатлар кўзда тутилган.

Шу ўринда яна бир муҳим тамойилга тўхталиб ўтсак. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси тавсиялари асосида мамлакатимиз Сайлов кодексига қатор ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, сайлов комиссияларининг номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари-

“

АЙНИ КУНЛАРДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ КАМПАНИЯСИ ТАДБИРЛАРИ МИЛЛИЙ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. БУ НАФАҚАТ ХАЛҚИМИЗ, БАЛКИ ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ УЧУН ҲАМ КАТТА ВОҚЕЛИКДИР. ЖАРАЁНЛАР ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРИ ЭЪТИБОРИДАН ҲАМ ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ. САЙЛОВНИ КУЗАТУВЧИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР НИГОҲИ УШБУ ВОҚЕЛИККА ҚАРАТИЛИШИ ТАБИЙИЙ.

ни ташкил этишга оид вазифаси чиқариб ташланди, сайловолди ташвиқоти даврида давлат ресурсларидан фойдаланиш тақиқланди. Сайлов натижаларини эълон қилиш муддатлари асосиз қўзилишининг олдини олиш мақсадида сайлов комиссиялари қарорлари устидан шикоят муддати 10 кундан 5 кунга қадар қисқартирилди.

Биз санаб ўтган бу жиҳатлардан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатимизда бўлиб ўтадиган Президент сайлови халқро стандартлар ва меъёрлар асосида ўтиши учун мустаҳкам замин яратилган.

Албатта, бу жараён тўхтаб қолгани йўқ. Айтиш жоизки, сайлов ўтказиш учун зарур шароит яратиш демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамиятига хос энг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам халқро стандартларга тўла жавоб берадиган сайлов қонунчилиги яратилган. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи ҳамда яширин овоз бе-

риш сингари асосий принциплар белгиланган.

Айни кунларда Президент сайлови кампанияси тадбирлари миллий сайлов қонунчилиги асосида амалга оширилмоқда. Бу нафақат халқимиз, балки халқро ҳамжамият учун ҳам катта воқеалиқдир. Жараёнлар хориж давлатлари эътиборидан ҳам четда қолмайди. Сайловни кузатувчи халқро ташкилотлар нигоҳи ушбу воқеаликка қаратилиши табиий.

Мухтасар айтганда, юртимизда сайлов қонунчилиги ва амалиёти, жумладан, Президентликка номзодларга қонун йўли билан қўйилган талабларнинг барчаси умумэтироф этилган демократик мезонлар ва стандартларга тўла жавоб беради.

Яна бир гап. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ана шундай демократик ўзгаришлар жаҳон ҳамжамияти диққат марказида турибди. Ушбу муҳим сиёсий жараённинг юқори савияда ўтказилиши янги Ўзбекистонни барпо этишда муҳим қадам бўлади.




УШБУ МАТЕРИАЛНИ ПОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ҚЎИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



НУҚТАИ НАЗАР

ЎЗАРО МАНФААТЛИ МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН МУСТАҲКАМ ЗАМИН



Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон — Қатар олий даражадаги саммити доирасида имзоланган икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини сезиларли даражада мустаҳкамлаган салмоқли ҳужжатлар тўплами хорижда катта қизиқиш уйғотди.

Шайх Сауд Абдулрахмон Ол СОНИЙ,
Қатарнинг Покистондаги элчиси:

— Қатар Амирининг мамлакатларимиз тарихидаги илк давлат ташрифи муваффақиятли ўтгани билан бутун ўзбек халқини табриклашга ижозат бергайсиз.

Раҳбарларимизнинг сиёсий иродаси ва ўзаро қадамлари ҳамкорлигимизни ривожлантириш учун узоқ муддатли ҳамда мустаҳкам пойдевор яратиш имконини бермоқда.

Сўнгги икки йилда турли даражадаги ташқи ишлар идоралари делегациялари томонидан бир қатор муҳим ташрифлар амалга оширилгани ушбу тарихий ташрифга тайёргарлик қўриш имконини берди. Ўтган йилдан бошлаб мамлакатларимиз ўртасида ҳаво қатнови очилган бўлса, жорий йилнинг май ойида давлат ташқи ишлар вазирини Султон бин Саад Ал-Мурайхийнинг ташрифи чоғида Қатарнинг Ўзбекистондаги элчихонаси очилди.

Ташриф олдидан Ўзбекистон иқтисодий мажмуига кирувчи вазирлик ва идораларнинг вакиллик делегацияси Доҳага ташриф буюрди. У ерда юқори технологияли тармоқлар — АКТ, энергетика, нефть-кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорт, шунингдек, маданият ва туризм соҳаларида кўп миллионли келишувлар имзолашга тайёрланди.



Икки юздан ортиқ маданият намоандлари, минглаб шаҳар аҳолиси Амирини тарихий Самарқанд шаҳрида ғоят илқ кутиб олганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Делегация аъзолари менга Қатар Амирининг муборак ва қадимий Самарқандда давлат раҳбарининг ўзи ҳамроҳлигида юксак даражада самими қабул қилиниши ўчмас ва беқиёс таассурот қолдирганини таъкидлади. Амир Ҳазрати Олийлари бошқа шаҳарларга қараганда ўзбек халқининг кўп асрлик тарихи, бой ва ўзига хос маданиятини ўзида мужассам этган, шубҳасиз, Осиёнинг қадимий пойтахти бўлган Самарқанднинг гўзаллиги ва бетакрорлигидан жуда хайратланди.

Ишонч билан айта оламани, ушбу ташриф келгуси йиллар давомида ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз ва интеграциямизни ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратаяди.

Мохаммадреза Абеш АҲМАДЛУ,
Зроннинг инглиз тилида
чоп этиладиган “Iran Daily”
газетаси мухбири:

— Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг Ўзбекистонга давлат ташрифини катта қизиқиш билан кузатдим. Жумладан, олий даражадаги ташриф мамлакатлар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан кейинги 25 йил ичида илк бор амалга оширилмоқда.

Тарихга назар ташласак, Қатар 1991 йил 30 декабрда Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган араб давлатидир.

Ўзбекистон ва Қатар ўртасидаги муносабатларни, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий соҳани сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш учун улкан салоҳият мавжуд. Олий даражадаги фаол сиёсий мулоқот икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни чуқурлаштиришга ҳам хизмат қилади.

Шунингдек, Қатар — Ўзбекистон ҳамкорлиги Форс кўрфазини мамлакатлари билан савдо-иқтисодий, сиёсий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳаларда алоқаларни кенгайтириш учун янги истиқболлар очади.

Намиқ АЛИЕВ,
Озарбайжон Давлат бошқаруви академияси
халқро алоқалар ва ташқи сиёсат кафедраси
мудирини, юридик фанлар докторини, профессор,
Фавқулодда ва Мухтор элчи:

— Ушбу ташриф Ўзбекистон — Қатар муносабатларида янги, тарихий босқични очди. Ташриф икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Самарқанддаги саммит ҳамкорлигининг янги босқичини бошлаш учун муҳим сиёсий қадам бўлади. Ушбу ҳамкорлик фаол, конструктив ва ўзаро манфаатли мулоқот сифатида тавсифланган кўп қиррали ва изчил ўсишга ўтиши жуда муҳим. Бунинг учун икки давлатнинг тарихи, маданияти ва динининг муштараклиги, бой маънавий мероси қўлай замин бўлмоқда.

2022 йил 14-15 сентябрь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити доирасида Қатарнинг



Қатарнинг улкан молиявий, сарможий ва илмий-техник салоҳияти уни янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси дастурларини амалга ошириш ва кейинги ривожланишда муҳим ҳамкорлардан бирига айлантиради, чунки расмий Доҳа Марказий Осиёда барқарор манфаатларга интилмоқда.

Расмий Тошкент ва Доҳа ўртасида энергетика ва туризм соҳаларида ҳамкорлигини ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Бу соҳалардаги ҳамкорлик икки мамлакат иқтисодий манфаатларига жавоб беради.

ШХТга мулоқот бўйича ҳамкор сифатида қўшилиши тўғрисидаги битим имзоланганини икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг алоҳида омилли деб биламан. Халқро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналиши бўлиб, у БМТ, Ислон ҳамкорлик ташкилоти ва бошқалар доирасида муваффақиятли ривожланимоқда.

Ҳуқуқшунос сифатида 12 ҳужжатдан иборат икки томонлама ҳамкорлигининг шартномавий-ҳуқуқий асослари билан қизиқдим. Бу, албатта, 1997 йил 27 ноябрда имзоланган Ўзбекистон ва Қатар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги Қўшма баённомага асосланади.

Муҳаммад Вади ҒАЗЗИ,
Мисрнинг “See News”
ахборот агентлигини
бош муҳаррири:



— Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг Ўзбекистонга илк давлат ташрифи икки томонлама ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқишда муҳим ўрин эгаллайди. Ўзаро савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқалар ривожланиши турли соҳаларда янги лойиҳаларни амалга оширишга йўл очади.

Олий даражадаги учрашув ва музокаралар давомида эришилган келишувлар расмий Тошкент ва Доҳанинг ўзаро ҳамкорлигини жадаллаштиришдан бирдек манфаатдор экани ва бунга қизиқиши юқорилигидан далоятдир.

Ўзбекистон ташқи сиёсий алоқаларини диверсификация қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу ташриф нафақат икки томонлама ҳамкорлик, балки Ўзбекистоннинг араб дунёси мамлакатлари билан алоқалари янада мустаҳкамланишига ижобий таъсир қилади.

Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсати бутун туркий дунёнинг ҳурмати ва қўллаб-қувватловига сабаб бўлиб, у минтақада тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш, Шарқ халқлари фаровонлигини оширишга қаратилган.



Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг дипломатик муносабатларини муносиб даражада сақлаб туришдаги фаол ролини ҳам қайд этмоқчиман: делегациялар алмашинуви, сиёсий маслахатлашувлар ва музокаралар, Қатардан олий делегацияларни қабул қилиш менга таниш бўлган машаққатли кундалик ишлардир.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ДАСТУРИДА ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ КОНЦЕПЦИЯСИ

Жорий йил 5 июнь санасида Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Улуғбек Илясович Иноятовни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод сифатида рўйхатга олди. Партиямиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод дастури шу йил 29 май санасида бўлиб ўтган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг XIII қурултойида бир овоздан маъқулланган эди.

Мазкур дастурда кучли ижтимоий сиёсат, арзон уй-жой ва сифатли коммунал хизматлар, кафолатли ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, ёшлар учун таълим кафолатларини мустаҳкамлаш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, товар ва хизматларнинг ижтимоий мақбуллиги, ижтимоий тенгликка асосланган демократия, суд-хуқуқ ислохотлари, конструктив ташқи сиёсатга оид 9 та устувор йўналиш бўлича аниқ ва манзилли таклиф ҳамда ташаббуслар илгари сурилган.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсади — ижтимоий давлат концепцияси. Шу боис, номзоднинг дастурида янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган ижтимоий давлат мақомидан келиб чиқиб, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини самарали амалга ошириш механизмларини мустаҳкамлаш ҳамда демократик ижтимоий давлатни барпо этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумки, ижтимоий сиёсат ҳар бир давлат ривожланиши ва бошқаруvinинг, таъбир жоиз бўлса, таянч устундир. Жамиятдаги турли шахслар ва турли гуруҳлар ўртасидаги тенгликни тартибга солишда, ижтимоий адолат ва ижтимоий мувозанатни таъминлашда унинг ўрни беъиз. Тадқиқотчи олимлар ижтимоий сиёсатни тарихий феномен сифатида XX асрнинг иккинчи ярмида қарор топган, деган қарашни илгари сурсаларда, олис мозий инсоният тамаддунида ижтимоий тенгсизлик ва ижтимоий эъдиқлатларни бартараф этишда иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа таъсир механизмларини амалда қўллаган давлатлар сафи оз бўлганини кўрсатади.

Ижтимоий давлат барпо этишни ўзининг энг олий мақсади, деб билган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мамлакат Президентлигига номзоди томонидан илгари сурилаётган **дастур айнан шу ҳақиқат асосига қурилган**.

Моҳиятан турли ижтимоий гуруҳлар ва шахсларнинг иқтисодий ҳолати, улар ўртасидаги даромадлар, истеъмол кўрсаткичи, меҳнат шaroитлари, соғлиқни сақлаш ва бошқалар бўйича фарқларни аниқлаб, тенгсизлик сабабларини ўрганган ҳолда мавжуд ижтимоий тафовутларни бартараф этишнинг узил-кесил чора-тадбирларини таклиф қилаётган ушбу дастур **“Давлат аҳоли манфаатларини тўлақонли таъминлаш мақсадида кучли ижтимоий сиёсат юритиш лозим”**, деган позицияни тутган ҳолда, қатор аниқ ва пухта ғоя-ташаббусларни қамраб олган.

Маълумки, мамлакатимизда хусусий сектор ролини янада ошириш йўлидаги ишлохотлар салохиятли мулкдорлар сафининг тобора кенгайишига замин яратмоқда. Улар элу юрт раванқини жадаллаштирувчи куч сифатида майдонга чиқмоқда. Бу яхши, албатта. Шу билан бирга, давлат ва жамият кўмагининг у ёки бу шаклларида эҳтиёжманд қатлам вакиллари ҳам бор. Кексалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар, ишсизлар, болалар ҳамда бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар мавжудлиги эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида намоён бўлиши табиий. Жумладан, бунинг ҳуқуқий негизини Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституцияси 1-моддасида белгиланган асосий қондалар ташкил этади. Юқорида келтирилган дастурда кучли ижтимоий сиёсат юритишда, авваламбор, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари яшаш шaroитларини янада яхшилаш кераклиги баён этилган сабаби ҳам шунда.

Тўғри, давлатимиз ўтган йиллар давомида осон бўлмаган бу вазифани маълум даражада уддалаб келмоқда. **Таълим, тиббий хизмат кўрсатиш, ижтимоий қатлам вакилларини мод-**



дий-маънавий қўллаб-қувватлаш соҳаларида кўпгина давлатларга ибрат бўлгулик тажриба шаклланди. Бироқ ҳар бир инсоннинг бахтли ва фаровон яшашга ҳаққи бўлганидек, эҳтиёжманд фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун **бугунги давр давлатимиз олдида янгидан-янги вазифалар қўймоқда. Айниқса, ўтган йиллар давомида содир бўлган глобал пандемия ва унинг оқибатлари жамиятда барқарор кайфият бўлиши учун изчил ижтимоий ислохотлар нечоғли муҳимлигини кўрсатди.**

Эҳтиёжманд қатлам вакилларининг турмуш даражасини кўтариш ҳақида сўз борар экан, бунда энг илгор хорижий тажрибалар асосида камбағаллик чегарасини қайта кўриб чиқиш ҳамда ундан паст даромад олувчи фуқароларга амалий кўмаклашиш чора-тадбирларини янги босқичга олиб чиқиш талаб этилади. Дастурда бунинг мантқиқий давоми сифатида ҳар бир инсоннинг бирламчи ҳаётий эҳтиёжларига етадиган энг кам истеъмол харажатларини қонун даражасида белгилаш, ушбу мақсадда **“Энг кам истеъмол харажатларини белгилаш тартиби тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш масаласи** ҳам эътибордан четда қолмаган.

Чунки ҳар йили мамлакатимизда минимал истеъмол харажатлари қиймати ва камбағаллик чегараси инфляция даражасидан келиб чиқиб эълон қилинаётганига қарамай, бу борада маълум бир ҳуқуқий бўшлиқлар юзага келгани сир эмас. Айни йўналишда халқаро стандартларга мос, такомиллашган ташкилий-ҳуқуқий механизмни шакллантириш ҳамда жамиятимизда юзага келадиган бу борадаги муҳим саволларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ечимини топиш вақти келган.

Дастурда ҳар йили юзлаб эмас, балки юз минглаб ишга лаёқатли йигит-қизлар кириб келаётган меҳнат бозорини тартибга солиш, фуқароларни ишсизликдан ҳимоя қилиш ва шу орқали камбағалликни қисқартириш, оилалар, болалар, аёллар, қариялар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга ҳар тарафлама ғамхўрлик қилиш кучли ижтимоий сиёсат юритишда наватбатдаги долзарб вазифа сифатида келтирилди.

Бунда, айниқса, юртимиз аҳолисининг яриmidан кўпрогини ташкил этадиган ёшлар касб-хўнар танлаши, бепул таълим олиши, ўқув муассасаларини тугатгандан сўнг ишга жойлашиши кафолатларини мустаҳкамлаш, иш билан таъминланмаган фуқароларни, хусусан, ишсиз аёллар сонини камайтириш, фуқаролар камбағаллик ҳолатига тушиб қолишининг олдини олиш ёки камбағаллик тоифасига кирган фуқароларни ундан чиқариш бўйича давлат томонидан тегишли чораларни кўриши аини мудоаодир.

Таъкидлаш керакки, бугун жамиятимиз ҳаётида учраётган аксарият муаммолар, ёшлар, хотин-қизлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ортида кўпинча ишсизлик билан боғлиқ масалалар туради. Шу сабабдан бу борада янада самарали

ечимларни амалиётга татбиқ этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим.

Номзод дастурида кам таъминланган, лекин **боқимандалик кайфиятида юрган фуқароларни жамиятимизнинг фаол иштирокчисига айлантириш масаласи ҳам алоҳида кўрсатилган**. Бу нима дегани? Наҳотки, одамларимиз орасида ҳамон боқимандалик кайфияти кузатилаётган бўлса?

Халқимизнинг омилкорлик, меҳнатсеварлик фазилатларига асло даҳл қилмаган ҳолда, билигига кучи бор-у, эшиги оғзида қаровсиз ётган ўн сотих ерга битта ниҳол қадашини истамайдиганлар ҳам учраб туришини яширмайлик. Қўпол қилиб айтганда, “Берсанг — ейман, урсанг — уламан”

Ҳар қандай давлат тараққиёти, ундаги ижтимоий-маънавий муҳит яна бир эҳтиёжманд қатлам — ногиронлиги бор шахсларга нисбатан муносабат орқали ҳам аниқланади. Афсуски, жамиятимизда ҳамон шундай стереотиплар борки, турли сабабларга қўра имконияти чекланган инсонларга ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётда фаоллик кўрсатишига кўп ҳам имкон берилмавермайд.

Уларнинг таълим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, меҳнат қилиш ҳуқуқларини таъминлашда ўзини оқламаган айрим тартиб-меъёрлардан воз кечилганича йўқ. Бу тоифа инсонларга эътибор биргина биноларда лифт ёки пандус ўрнатиш, оила нафақасини бериш билангина чегараланмайд.

О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI

66

**МАМЛАКАТИМИЗДА 60 ВА УНДАН КАТТА
ЁШДАГИ ФУҚАРОЛАР СОНИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА
ОШИБ БОРАЁТГАНИНИ ИНОБАТГА ОЛИБ,
ХДП НОМЗОДИ ДАСТУРИДА ПЕНСИЯ ХАМДА
ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАРНИНГ ИНСОН
ҲАЁТЙ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ТўЛАҚОНЛИ
ҚОНДИРИШИГА ЭРИШИШ МАҚСАДИНИ
УСТУВОР ҚИЛИБ КЕЛТИРГАНИ ЭЪТИРОФГА
ЛОЙИҚ ЯНА БИР ЖИҲАТДИР.**

Ҳозирги замон барча фуқаролар, шу жумладан, ногиронлиги бор шахслар учун ўз ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаланишда тенг имкониятлар берадиган инклюзив жамиятни яратишни, давлатдан барча дастурларда ногиронлар эҳтиёжларини ҳисобга олиш ва улар ҳаётнинг барча жабҳасида иштирок этишини кафолатлаш мажбуриятини талаб қилмоқда.

Дастурда мазкур йўналишда миллий қонунчилиқни БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича конвенцияси тамойиллари ва меъёрларига мувофиқлаштириш, ногиронлиги бўлган шахсларга оид халқаро меъёрлар ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш, мамлакатимизда БМТнинг Ногиронларга нисбатан умумжаҳон ҳаракатлар дастурини амалга ошириш бўйича зарур чоралар кўриш вазифалари ўз ифодасини топган. Буларнинг бари, пировардида, ногиронлиги бор инсонларнинг турмуш сифатини яхшилашда халқаро илгор тажрибаларни амалиётга татбиқ этишга кенг йўл очади.

Фуқаролари учун фаровон ҳаёт яратиши, барқарор ривожланиш йўлини

танлаган давлат борки, бу қаҳриқларга эътиборсиз бўлмайди. Инчунин, Ўзбекистон ҳам.

ХДПдан Ўзбекистон Президентлигига номзод У.Иноятовнинг дастури кучли ижтимоий сиёсат юритиш ғояси билан сўғорилгани унинг том маънода инсонпарварлик ва тараққиёт тамойилларига уйғунлигини кўрсатади.

Уй-жой сиёсатида ижтимоий адолат мезонлари устувор бўлмоғи керак. Ҳар бир инсоннинг фаровон ва хотиржам яшашида илм олиш, касб-хўнар эгаллаш, ишсизликдан ҳимояланиш каби ҳақ-ҳуқуқлари қаторида уй-жой билан таъминланиши ҳам муҳим ўрин тутди. Айниқса, халқимиз уйли-жойли бўлиши муносиб ҳаёт кечиришининг асосий шартларидан, деб билади. “Уй борнинг уйи бўлмайди”, “Уй — Ватан ичра ватан”, “Ўз уйим — ўлан тўшагим” сингари мақоллару нақллар жамиятимизга шу қадар сингиб кетганки, ҳали мурғак ўғлига эзгу ният билан иморат солиш учун терак экишдек одатларимиз замонлар ўзгарса-да, унутилгани йўқ. Чиндан ҳам инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини, аввало, муқим ва қулай бошпаналарга эга бўлишдан бошланади. Ахир уйнинг бўлса, кўнглинг тинч, турмушинг ҳаловатли, рўзгоринг бут бўлади. Дарвоқе, янги тахрирдаги Конституциямизда ҳам ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи қатъий белгилаб қўйилди (47-модда).

Шу муносабат билан ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакилларини, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар, эҳтиёжманд ва ёш оилалар, алоҳида ёрдамга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, уларга субсидиялар бериш, имтиёзли ва узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратиш қамровини оширишимиз ҳамда уларни шу йўл орқали ижтимоий қўллаб-қувватлаш сўратини янада кенгайтиришимиз лозим.

Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Президентлигига номзоди дастурида бу саволга жавобан мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар қамровини бугунги кун нўқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда янада юқори даражага кўтариш зарурати мавжудлиги қайд этилади. **“Биз камбағалларга, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар, ногирон фарзандларни тарбиялаётган ота-оналар, оғир иж-**

ёшдаги одамларнинг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, уларга барча қулайликларни яратиш зарурати мавжуд. Демак, ушбу мақсадларга халқаро илгор тажрибалар асосида қурилиш материаллари ва конструкциялар ишлаб чиқаришда инновацион ёндашувларни жамиятга татбиқ қилиш ҳамда бу жараён давлат томонидан рағбатлантирилиши орқали эришиш мумкин.

Дастурдаги кам таъминланган аҳоли учун арзон уй-жой қуришга имтиёзли ипотека кредити бериш амалиётини янада кенгайтириш ва қонун даражасида тартибга солиш, **“Уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”**ги қонунни қабул қилиш ташаббусларини ҳам бугун жамиятимизда ушбу жабҳадаги муаммоларнинг халқчил ечими бўла олади, дейиш мумкин.

Уй-жой қурилиши 2020 йилдан эътиборан нодавлат сектор қўлига ўтгани аҳолининг бу борадаги эҳтиёжини тўла қондиришга, соҳада рақобат муҳитини юзага келтиришга хизмат қилмоқда. Лекин турар жойлар барпо этишда аҳоли маблағларини жалб қилган айрим тадбиркорлик субъектлари томонидан шартнома шартларини ўз вақтида ва сифатли бажармаслик ҳолатлари юз бераётгани таассуфли.

Янги қурилаётган кўп қаватли турар жойдаги хонадон учун бошланғич бадал пулини тўлаб, бу уй битишини бир неча йиллардан буён кутаётган, ўзи эса ижарада яшаётган оилалар учраб турибди. Мана шундай қонунбузилишларни бартараф этиш учун турар жойларни қуришга жалб қилинган аҳоли маблағларини ҳимоялаш кафолатларни тизимини яратиш, бунинг учун эса **“Кўп квартиралы уйлар ва бошқа кучмас мулк объектларини улуш қўшган ҳолда қуришда иштирок этиш тўғрисида”**ги қонунни амалиётга киритиш ҳаётий заруратга айланди.

Маълумки, бу йилги қиш фаслининг нисбатан аёзли келгани, баҳор мавсуми илк палласидаги серёғин қунарлар, ёз фаслининг йилдан-йилга жазирама бўлиб бораётгани жойларда коммуникция тизимидеги ва коммунал хизматлардаги камчиликларни рўй-рост кўрсатиб бермоқда. Шуниси аниқки, **бугун фуқаролар сифати коммунал хизматлардан фойдаланиш учун давлат томонидан қўшимча аниқ ва зарур амалий чора-тадбирларни кутмоқда.**

ХДП номзоди дастурида масаланинг бу жиҳатига ҳам тўхталиб ўтилгани, аҳолини арзон электр энергияси, иссиқлик ва иссиқ сув тизими билан таъминлаш бўйича ҳудудий инвестиция дастурларини давлат-хусусий шериклик тартибида амалга ошириш, коммунал хизматлар тарифлари устидан **жамоатчилик назоратини кучайтириш вазифалари белгилангани** мақсадга мувофиқдир.

Яна бир муҳим масала. Юртимиз ҳудудларида, асосан, пойтахт туманларида бунёдкорлик ишларини олиб боришда қонунчи қурилишлар ҳам учраётганини яширишининг ҳолати йўқ. Тадбиркорнинг қайсидир йўллар билан қонунан рухсат этилмаган объектни (қўпичча кўп қаватли уй-жойлар) қуришга уриниши ва базэи ҳолларда бунинг улдасидан чиқиши алалоқибат техник ва маънан эскирган коммунал тизимларга ортиқча босимни пайдо қилаяпти, кўп йиллик даҳшатларни кесиб ташлаб, атроф-муҳитга жиддий зарар етказаяпти.

Хуллас, бугун одамларимизни ранжитётган бундай ўзбошимчиликларнинг олдини олишда давлат билан бир қаторда жамоатчилик назорати институти ҳам ишлаши шарт. Шунини инобатга олган ҳолда, дастурда турли қонунчи қурилишларни тўхтатишда жамоатчилик назоратини қучайтириш мақбул чора сифатида келтирилади. Шаҳарларимизда, аҳоли яшаш пунктларида яшил ҳудудларни, истироҳат боғларини, болалар уйин майдонларини кенгайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг дам олиш шaroитларини яхшилаш ҳамда шаҳарсозлик лойиҳаларини амалга ошириш йўлида қонун нормалари талабларига асосланган ҳолда инсон омилини биринчи планга қўйиш асосий вазифамиз ҳисобланади. Аслида, ижтимоий адолат замирида ҳам инсонларни рози қилиш, кўмакка муҳтож қалбаларга умид ва ишонч беришдек эзгу ният мужассам.

**Дилбар МАМАЖОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП фракцияси аъзоси**



МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ

ЖОЗИБАДОРЛИК МАРКАЗИ, ИҚТИСОДИЙ ИМКОНияТЛАР МАКОНИ

экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган иқтисодий ислохотларнинг фаол жорий этилиши муҳим роль ўйнади. 2021 йил 10 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Европа Иттифоқининг барқарор ривожланиш ва самарали бошқарув бўйича махсус преференциялар тизими — “GSP+” доирасидаги имтиёзлардан фойдаланиш имкониятига эга



**Жасурбек ОТАНИЯЗОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**

Бошланиши 1-бетда

Айни жараён кўплаб ривожланган мамлакатларни Марказий Осиё бўйича стратегик ҳамкорлик муносабатларини янада фаоллаштиришга ундамоқда. Зеро, минтақавий ҳамкорликнинг бугунги босқичида замон талабига мос ташаббуслар ўзаро манфаатли шерикликни самарали рўёбга чиқариши мумкин.

мустаҳкамлаш, барқарор иқтисодий ривожланиш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш борасида ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

2004 йилдан 2006 йилгача бўлган давр мобайнида ушбу мулоқот доирасида учта муҳим учрашув — Бишкек (Қирғизистон, 2004 йил), Брюссель (Бельгия, 2005 йил) ва Олмаотада (Қозғистон, 2006 йил) бўлиб ўтди. 2007 йилдан бошлаб Германия томони ташаббуси билан Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича стратегияси қабул қилиниши ортидан ташқи ишлар вазирлари даражасида учрашувлар ўтказила бошланди.

Ташқи ишлар идоралари раҳбарлари даражасида Европа Иттифоқи — Марказий Осиё вазирлар учрашуви ўтказилиши мунтазамлик касб этиши баробарида худди шундай форматда мунтазам учрашувлар ўтказишнинг бошқа механизмлари ҳам йўлга қўйилди. Хусусан, парламентлараро алоқалар, иқтисодиёт, савдо, инвестиция, демократия, инсон ҳуқуқлари, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сув ресурслари масалалари бўйича тегишли идоралар ўртасида мунтазам учрашувлар ўтказилмоқда.

2019 йилда Европа Иттифоқининг минтақага оид янгиланган стратегияси қабул қилиниши билан минтақалараро мулоқотнинг янги форматлари — Европа Иттифоқи — Марказий Осиё иқтисодий форуми, Фуқаролик жамияти форуми фаолияти йўлга қўйилди. Янги стратегия “Европа Иттифоқи ва Марка-

ва барқарорлик муҳим омил экани, шу боис, иқтисодий дипломатия ва Осиёда хавфсизлик соҳасидаги иштирокни фаоллаштириш зарурлиги қайд этилган. Осиё мамлакатларининг Европа Иттифоқи билан транспорт алоқалари, энергетика ва рақамли тармоқлар яратиш, инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, Осиё мамлакатлари ва ташкилотлари ўртасидаги ўзаро шериклик муносабатларини йўлга қўйиш, турли молиявий воситалардан фойдаланган ҳолда, барқарор

**“ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ
МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН САВДО АЙЛАНМАСИ
2022 ЙИЛДА 4,5 МИЛИАРД ДОЛЛАР БЎЛГАН
ҲОЛДА, 2017 ЙИЛДАГИ КЎРСАТКИЧГА НИСБАТАН
1,5 МИЛИАРД ДОЛЛАРГА ОШДИ. ГЕРМАНИЯ,
ЛИТВА, ИТАЛИЯ, ПОЛЬША, ФРАНЦИЯ ВА ЛАТВИЯ
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН
САВДО АЛОҚАЛАРИДА ФАОЛ ҲАМКОРЛИК
ҚИЛИБ КЕЛАЁТГАН ДАВЛАТЛАРДИР.**

молиялаштириш тизимини ривожлантириш каби асосий соҳалар бўйича ҳамкорлик қилиниши белгиланган.

Стратегияда режалаштирилган йўналишлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, савдо-иқтисодий ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш

Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё мамлакатлари доирасида транспорт соҳасидаги ҳамкорлики кенгайтиришда транспорт инфратузилмаларининг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш ва янада қулай шарт-шароит яратиш, халқаро транспорт ва транзит йўлақларини ривожлантириш, шунингдек, самарали транспорт-логистика инфратузилмасини шакллантириш минтақавий ҳамкорликини мустаҳкамлашда жуда муҳим ўрин тутати. Шу боис, самарали ҳамкорлик ва минтақавий интеграциялашувни кучайтиришда молиявий ва инвестицион имкониятлардан фойдаланган ҳолда, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича мақсадли лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

TRACECA лойиҳасига аъзо мамлакатлар томонидан 2016-2026 йилларга мўлжалланган “TRACECA 2016-2026” стратегияси ишлаб чиқилган, унда кўзда тутилган вазифалар ҳамкор давлатлар, шу жумладан, мамлакатимиз томонидан ҳам фаол амалга ошириб келинмоқда. Чунки ушбу лойиҳанинг муваффақияти натижасида минтақа-

лараро транспорт инфратузилмаси ривож ва бу орқали минтақа давлатлари ўртасидаги савдо алоқаларида қулай шарт-шароитлар яратилишига ҳамда бутун транспорт йўлаги бўйлаб товарларнинг ҳаракатланишидаги тўсиқларни қамайтиришга эришилди.

Икки йирик ташкилот ва минтақа



1996 йил 26 июнда Флоренция шаҳрида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим, унинг 1999 йил 1 июлдан эътиборан қуча кириши юртимизнинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий негизига айланди. 2017 йилда Ўзбекистон ушбу келишувни янгилаш таклифини билдирди. Европа Иттифоқи билан Чуқурлаштирилган шериклик тўғрисидаги янги келишувни имзолаш бўйича музокаралар расман 2018 йил ноябрь ойидан бошланди.

Тожикистон 2004 йил октябрь ойида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги келишувни имзолади, 2018 йил ноябрь ойида эса Ҳамкорлик тўғрисидаги янги келишувни имзолаш бўйича музокаралар олиб бориш истагини билдирди. Туркменистон ҳам 2010 йил август ойидан буён Европа Иттифоқи билан Савдо масалалари тўғрисидаги оралиқ келишув асосида ҳамкорлик қилиб келмоқда.

**Минтақавий жиҳатдан
Марказий Осиё улкан
хомашё захиралари,
ишлаб чиқариладиган
маҳсулотлар, янги
инновацион ишланмалар,
малакали ишчи кучи ва
инсон капитали, технологик
имкониятлар борасида
юқори салоҳиятга эга. Шу
жиҳатдан олиб қаралганда,
савдо-иқтисодий
алоқаларни кенгайтириш
минтақавий даражада
иқтисодий самарадорликка
эришишга замин яратаети.**

Марказий Осиё — Европа Иттифоқи минтақавий ҳамкорлигининг амалий давоми сифатида 2023 йил 2 июнь куни Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида Марказий Осиё — Европа Иттифоқи иккинчи саммити бўлиб ўтди. Саммитда Ўзбекистон томонидан Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш бўйича долзарб аҳамиятга эга ташаббуслар илгари сурилди. Жумладан, саммит давомида савдо муносабатларини тубдан кенгайтириш, энг аввало, барқарор савдо логистикаси занжирларини ва маҳсулот етказиб беришни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини яратиш, ўзаро боғланган транспорт йўлақларини шакллантириш, инвестициявий, технологик шерикликини ривожлантириш, рақамли ўзаро боғлиқлик соҳасида Евроиттифоқ билан қикдан ҳамкорлик қилиш, иқлим соҳасидаги хатарларга қарши курашиш, туризмини ривожлантириш ҳамда ёшлар таълимига инвестиция қиритиш борасида илгари сурилган ташаббуслар катта қизиқиш билан қабул қилинди.

Бугун Марказий Осиё Европанинг етакчи компания ва банклари учун жозибадорлик маркази ва янги иқтисодий имкониятлар макониға айланди. Бинобарин, ҳозирги кунда Марказий Осиё мамлакатларида Европа Иттифоқи билан ҳамкорликда барқарор энергетика тизимини яратиш, профессионал таълим соҳасини ривожлантириш, замонавий саноат қувватларини барпо этиш, “аклли” қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ривожланган транспорт логистикаси инфратузилмасини шакллантиришга қаратилган кенг қўламли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликини кенгайтириш, мамлакатларнинг қулай инвестициявий ва ишбилармонлик салоҳиятини тўлақонли фойдаланиш бўйича биргаликдаги саяҳатларини кучайтириш асосида савдо-иқтисодий фаолиятни фаоллаштириш минтақавий даражадаги иқтисодий ўсишни барқарорлаштириш ҳамда тараққиётни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УЎқиш учун МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



зий Осиё: ҳамкорликини мустаҳкамлашда янги имкониятлар” деб номланиб, унда истиқболда минтақавий даражада ҳамкорлик алоқаларини амалга оширишга тегишли бўлган муҳим стратегик масалалар ўз аксини топган. Европа Иттифоқининг минтақа билан ҳамкорликини ривожлантириш бўйича янги стратегияси қўзланган мақсадларга эришиш йўлидаги фаол ҳамкорликка қаратилган сиёсат намунасикир. Шунингдек, Ўзбекистон ташаббуси билан Европа Иттифоқи — Марказий Осиё ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича

“

**“ГЕРМАНИЯ 2022 ЙИЛДА ТАШКИЛОТГА АЪЗО
МАМЛАКАТЛАР ИЧИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ
САВДО АЙЛАНМАСИДА ЭНГ ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧНИ
ҚАЙД ЭТИБ, ЖАМИ САВДО АЙЛАНМАСИНИНГ 2,3
ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ҚИЛГАН. ШУНИНГДЕК, СЎНГГИ
ЙИЛЛАРДА ГЕРМАНИЯ ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ
САВДО АЙЛАНМАСИ ҲАЖМИДА ЮҚОРИ УЛУШГА
ЭГА БЎЛГАН ЎНТА МАМЛАКАТ ҚАТОРИДАН ЖОЙ
ОЛИБ КЕЛМОҚДА.**

вазирлар конференцияси иш бошлади. Мазкур ҳужжатда Осиёнинг Европа учун, ўз навбатида, Европанинг Осиё учун муҳим аҳамият касб этиши, ташкилот доирасидаги ривожланишни янада юқори босқичга олиб чиқиш учун Осиё мамлакатларидаги тинчлик

устувор йўналишлари сирасига қиради. У Европа Иттифоқи томонидан МДХ давлатларига техник ёрдам кўрсатиш ҳамда ташкилотни Осиё минтақаси билан боғловчи транспорт йўлагини бунёд этиш мақсадиға йўналтирилган лойиҳалардан биридир.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

Хайдар ФАРМОН:

“КУРАШ — ҲАЛОЛЛИК ВА

МАРДЛИК ТИМСОЛИ

Хайдар Фармон 2014 йилдан буён Халқаро кураш ассоциацияси — IKA президенти сифатида фаолият юритиб келмоқда. Айнан унинг саъй-ҳаракати билан дунёдаги 130 дан зиёд кураш федерациясида бугунги кун талабларига жавоб берадиган мураббийлар, ҳакамлар, менежерлар ва йўриқчилар тайёрланди. Кураш дунёда кенг ривожланмоқда ва Осиё ўйинларидан расман ўрин олди, Африка ёшлар ўйинлари дастурига киритилди.

Яқинда Хайдар Фармон юртимизга ташриф буюрган эди. Фурсатдан фойдаланиб, у билан суҳбатлашдик.



— Жаноб Хайдар Фармон, кураш ватани — Ўзбекистонга кўп ташриф буюргансиз. Суҳбатимиз муқаддимасида янги Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар ва сўнгги йиллардаги ўзгаришлар хусусидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Эсимда, Ўзбекистонга биринчи ташрифим 2002 йили бўлган эди. Уша даврдаги ва ҳозирги Ўзбекистонни солиштириш жуда қийин. Чунки биргина Тошкент шаҳрида қандай ўзгаришлар бўлаётганига ўз кўзим билан гувоҳ бўлиб турибман. Эсингизда бўлса, олдинлари хорижликлар ташриф буюриш учун joyлар жуда чекланган эди. Бутун эса юртингизда кенг қамровли, истиқболли ислохотлар амалга оширилмоқда. Қайси шаҳарга бормай, жуда кўп ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўляпман.

Ўзбекистон қадим ва бой тарихга эга юрт. Тарихий обидалар қайта тикланиб, жаҳон сайёҳларининг сеvimли

масканларига айланиб бормоқда. Бундан ташқари, молиявий соҳага эътибор қаратадиган бўлсак, авваллари валюта айирбошлашда кўплаб қийинчиликларга дуч келар эдик. Банкда соатлаб кутиб ўтириш ёки “қора бозор”га боришга тўғри келган ҳолатлар ҳам бўлган.

Ҳозир исталган банкматдан пул олишимиз ёки кредит қартамиздан фойдаланишимиз мумкин. Бу бошқа давлатлардан келган сайёҳлар учун ҳам жуда қўлай бўлди. Яна бир мисол, халқаро турдаги кредит қартадан фойдаланиш кўп давлатларда жуда қийин. Ўзбекистон эса бундан мустасно. Давлатингиз раҳбари олиб бораётган ислохотлар юртингиз ривожини ва раvнақини ушунга хизмат қилиши шубҳасиз.

Спорт соҳасида ҳам жуда катта ўзгаришлар юз бермоқда. Бошқача айтганда, Ўзбекистон спорт мамлакатига айланиб бормоқда. Тошкентнинг ўзида янги замонавий олимпия шаҳри қуриляпти. Бу жуда улкан воқелик. Ўзбекистон аллақачон халқаро спорт тадбирларига мезбонлик қилмоқда ва бемалол айта оламаники, янада катта тадбирларни ўтказишга ҳам тайёр. Жумладан, 2025 йилда ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинлари Тошкент шаҳри мезбонлик қилади. Ишонаманки, бу тадбир жуда юқори савияда ўтади.

— Кураш бутун нафақат ўзбек миллитининг, балки ер юзидagi 100 дан зиёд давлат вакилларининг сеvimли спорт турига айланиб бўлди. Зеро, кураш билан шугуланувчилар ва мусобақаларнинг сони ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда. Шу ўринда, бу борада амалга оширилган ва оширилаётган ишлар ҳақида кенгроқ маълумот берсангиз?

— Дарҳақиқат, Халқаро кураш ассоциацияси ташкил этилгандан бери курашни ривожлантириш учун кўп меҳнат

қилиняпти. Лекин молиявий ёрдамсиз бунга тўла эришиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг курашни қўллаб-қувватлаш борасидаги қарори бизнинг бу спорт турини қўтғалараро, умуман, бутун дунё бўйлаб ривожлантиришдаги фаолиятимиз учун жуда катта кўмак бўлмоқда. IKA аллақачон тўрт қитъа бўйича кураш мусобақалари ўтказиб келяпти. Биз бешинчи қитъа сифатида Океанияда ҳам курашни оммалаштириш дастури устида ишлаяпмиз.

Ҳар йили дунё бўйлаб жуда кўплаб мусобақалар ташкил этилмоқда. Қитъа чемпионатларидан ташқари турли даражадаги халқаро турнирлар ва катталар, ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатлари ҳам бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Кураш федерацияси орқали кўрсатилаётган қўллаб-ёрдамлардан IKA оиласидаги миллий федерациялар баҳраманд бўлмоқда.

Бутун дунёда пандемия кузатишган даврда ҳам биз тўхтаб қолмадик. IKA курашни дунё бўйлаб рақамли шаклда ривожлантириш дастурларидан фойдаланди. Кураш усуллари, техникалари ягона тизим асосида “eKurash” лойиҳаси ишга туширилди. Уйлайманки, бу қўллаб-мамаклатлар курашчилари ва мураббийлари учун жуда фойдали бўлди.

Ўзбекистон ҳукуматининг кўмаги, айниқса, Президент қарори асосида биз кураш бўйича Жаҳон серияси деб аталган мусобақа ўтказмоқдамиз. Жаҳон серияси ривожланиш дастурининг бир қисми бўлиб, биз спорт дастурини бошқа халқаро федерациялар билан бир хил даражага кўтаришимиз мумкин



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



бўлган махсус форматдир. Умид қиламанки, бунга албатта эришамиз.

— Маълумки, кураш нафақат Осиё ўйинлари, балки Африка ўйинлари таркибида ҳам бор ва Европа ўйинлари дастурига киритилиш арафасида. Бу борада қилинаётган ишлар ҳақидаги маълумотларингиз ва фикрларингиз ўзбекистонлик кураш мухлислари учун қизиқарли.

— Ҳа, ҳозир кураш Осиёда яхши ривожланган, чунки бу ушбу қитъанинг спорт тури. У Осиё ўйинларининг барча дастурларида расмий спорт тури ҳисобланади. Лекин биз бошқа қитъа ўйинларига ҳам курашни расмий спорт тури сифатида киритиш ҳаракатида-миз. IKAда тўртта қитъа конфедерацияси мавжуд ва ҳозир улар жуда фаол ҳаракат қилмоқда. Ассоциация уларни молиявий ёрдам билан таъминлашга ҳаракат қилляпти. Бундан ташқари, бизда ҳар йили тўртта қитъа чемпионати ўтказилади. Аммо бу биз учун етарли эмас. Кўп спорт мусобақаларини ўз ичига олган ўйинлар дастурига кирити-

лиши курашнинг ривожига муҳим босқич ҳисобланади.

Бу борада биринчи қадам Африкага қўйилди ва муваффақиятли бўлди. Яъни бу қитъа ёшлари ўйинлари дастурида расман иштирок этишимиз маъқулланди.

Тез кунларда Африка миллий олимпия қўмиталари ассоциацияси бошқарув кенгаши аъзолари билан учрашамиз. Биз уларга курашни батафсил таништирамиз. Умид қиламанки, уни Африка ўйинлари дастурига ҳам расмий спорт турларидан бири сифатида киритишга эришамиз.

Европада биз фаолмиз. Аллақачон Европа кураш конфедерацияси президенти жаноб Мирабе Илхадис Европа Олимпия қўмитаси президенти жаноб Спирос Капралос билан учрашди. Унга курашни яқиндан таништирди. Мен жаноб Капралосни яхши биламан. У билан кўп бора суҳбатлашганман. Яқин вақтларда курашни Европа ўйинларининг бир қисми сифатида жорий қилишимиз мумкин. Бу борада IKA жамоаси мунтазам иш олиб бормоқда.

Панамерика спорт ўйинларида курашнинг иштироки борасида ҳам ўз дастурларимиз бор. Панамерика Кураш иттифоқи томонидан курашни ўйинлардаги асосий спорт турларидан бири сифатида жорий этиш мақсадида манфаатдор ташкилотлар билан алоқалар мустақамланмоқда. Умид қиламанки, биз ўз мақсадимизга албатта эришамиз.

— Шу йилнинг 28-30 апрель кунлари Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида Кураш бўйича катталар ўртасида Осиё чемпионати ва World Series Pro турнирининг қитъавий саралаш босқичи бўлиб ўтди. Шу ўринда World Series Pro турнири ҳақида гапириб берсангиз. У янги мусобақалар сериясими?

— Тўғри айтдингиз, жорий йил апрель ойининг охирида Хитойнинг Ханч-

жоу шаҳрида Кураш бўйича қитъа чемпионати бўлиб ўтди. Мазкур чемпионат якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун World Series Pro турнирининг Осиё қитъаси саралаш босқичи юқори савияда ташкил этилди.

Энди 2023 йилнинг 9-13 июль кунлари Мисрининг Қоҳира шаҳрида World Series Proнинг Африка, 20-29 август кунлари Доминикан Республикасида Панамерика, 10-12 октябрь кунлари Италиянинг Рим шаҳрида Европа саралаш босқичлари бўлиб ўтади.

Бизнинг жамоамиз ушбу уч қитъадаги ташкилий кўмита билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Саралаш босқичларида ғолиб чиққан полвонлар ноябрь ойида мамлакатингизга келиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун World Series Pro финалида иштирок этади. Баҳслар 7 вазн (4 та эркаклар ва 3 та аёллар) тоифасида ўтказилади.

Биз Ўзбекистон ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши билан ғолиблар учун пул мукофотларини таъсис этдик. Уйлайманки, бу қадам курашнинг янада ривожланишига катта хизмат қилади. Бу билан ишлар тўхтаб қолмайди. Халқаро спорт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситаларида ўзбек курашини бутун дунёга кенг танитишни мақсад қилганмиз. Умид қиламики, курашни бутун дунё тан олади. Чунки кураш — ҳалоллик ва мардлик тимсоли.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Гуличеҳра ДУРДИЕВА суҳбатлашди.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

МАЛАКА ОШИРИШ ЗАРУРАТИ

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Зайниддин ХУДОЙБЕРДИЕВ, Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқаруви ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти директори, профессор

Мамлакатимиз иқтисодиёти раvнақида бозор механизмларининг шаклланиши ҳамда барқарорлашуви ўқитишнинг барча босқичида, жумладан, профессионал таълимда ҳам юқори малакали кадрларни тайёрлаш муҳимлиги ва зарурлигини кўрсатди. Бу эса бозор талаблари асосида профессионал таълим тизимини ривожлантириш учун қўлай шарт-шароит яратиш, мутахассисларнинг меҳнат бозорига ўз йўлини осон топиши учун касбий компетентга эга бўлишини тақозо этмоқда.

Энди профессионал таълим тизимининг раҳбар ва педагог ходимлари нафақат педагогика, психология йўналишларидаги билимларга, шу билан бирга, маъмурий бошқарув кўникмасига эга бўлиши талаб қилинади. Айни пайтда ишлаб чиқариш, молиявий менежмент, маркетинг ва ресурслар билан таъминлаш вазифаларининг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилишни, ташқи ва ички муҳитни таҳлил қилиш натижалари асосида бошқарув фаолиятини ташкил эта билишни лозим. Мазкур жараёнлар профессионал ўқув муассасаларининг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш билан бирга,



таълим хизматлари бозорига рақобат муҳитини яратиш, сифатини ошириш ва ўз навбатида, соҳада замонавий фикрлайдиган, узлуксиз касбий ривожланишга тайёр бошқарув ходимларига эҳтиёжни оширмоқда.

“Таълим тўғрисида”ги қонунга асосан, кадрлар малакасини ошириш касбий билим, малака ва кўникмаларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда янгилаб борилишини таъминлайди. Кадрларнинг тоифаси, даражаси, разряди ва лавозими ошишига хизмат қилади.


Мунтазам касбий маҳорати, билими, кўникмаларини янгилаб бориш, юқори самарали янги ахборот-коммуникация ва

инновацион технологияларни, фан-техника ютуқларини амалиётга татбиқ этиш, бошқарувнинг замонавий тенденцияларини ўзлаштиришда иқтисодиётнинг турли соҳасидаги бошқарув ходимлари учун малака ошириш жараёни жуда муҳим. Мазкур ҳолат, ўз навбатида, узлуксиз малака оширишга эҳтиёжни юзага келтиради ва шу йўналишдаги муаммоларни илмий тадқиқот сифатида ўрганиш учун ҳам асос вазифасини ўтайди.

Шу боис, профессионал таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари малакасини оширишнинг қатор шакллари назарда тутилган. Асосий ишдан бўшаган ва бўшамаган ҳолда ОТМлари ҳузуридаги тармоқ марказларида ва Педагогик инновациялар институтида малака ошириш, турли ташкилот ёки хорижий давлатларда стажировка ўтатиш, яққа тартибдаги режа бўйича ўқитиш шаклида мустақил таълим олиш шулар жумласидан.

Тажриба ва кузатувлар, таҳлилларга кўра, раҳбар кадрлар асосан асосий ишдан бўшаган ҳолда, ОТМлар ҳузуридаги тармоқ марказларида ва Педагогик инновациялар институтида малака оширмоқда. Билим ва кўникмани мустақамлашнинг бошқа тўғридан-тўғри шакллари нисбатан жуда кам қўлланган ва айрилмалар бўйича жараёни ташкил этиш қўшимча меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишни талаб қилади.

Бугуннинг талабларига жавоб бериш учун, энг аввало, раҳбар ва педагог кадрлар малакасини ошириш тизими, аввало, таълим тизимида юз бераёт-



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ган муаммо ва жараёнларга мос, асосланган ва етарли даражада ишончли методологик базани танлаш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, малака ошириш тизимидаги муаммоларни ва зиддиятли вазиятларни ўқитиш жараёни ривожланишининг асосий юзлари ҳамда тамойилларига таянган ҳолда қўриб чиқиш даркор.

Учинчидан, малака ошириш тизимининг асосий концептуал ривожланиш йўналишларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш усуллари бўйича аниқ тақлифларга зарурат мавжуд.

Узлуксиз таълим назариясининг концептуал ҳолатларидан фарқли ўлароқ, катталар таълими назарияси ва амалиё-

ти асосида ёши катта одам табиатидан келиб чиққан тамойиллар ётади. Катта ёшли одам эҳтиёж сезмагунча ўқимайди. У фақат ўз фикрига кўра, зарур кўникмаларни ўрганади ва иш жараёнида ўқийди. Бошқача қилиб айтганда, ёши катта одам таълим жараёнида, аниқроғи, унинг барча параметрини аниқлашда етакчи ролни ўйнашга тайёр.

Хориж тажрибасига кўра, ўқитишнинг инновацион модели асосида катта ёшлилар таълимнинг назарияси ва амалиёти муайян ҳолатда шакллантирилган. Жумладан, таълим олувчининг тажрибасидан ўқитиш мазмунини белгилوшни манбалардан бири сифатида фойдаланилади.

XXI асрда етакчи давлатлардаги малака ошириш тизимида очик ва ёпиқ курсларни ташкил этиш касбий ривожланишда муҳим омилдир. Қисқа муддатли курсларни ташкил этишда асосий эътиборни ўқув-услубий таъминотни яратишга қаратиш керак. Зеро, малака ошириш тизимини такомиллаштириш ўқитиш сифатини таъминлайдиган асосий омиллардан. Бу жараёнда профессионал таълим мутахассислари, соҳа мутахассислари ва педагоглар малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш, фаолиятини мувофиқлаштириш зарур бўлади. Шунингдек, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнини илғор хориж тажрибаси (Сингапур, Германия, Жанубий Корея, Буюк Британия, Япония) асосида такомиллаштириш, касбий фаолиятда зарур бўлган билим, малака-кўникмаларнинг ҳаёт давомида эгалланишини қўллаб-қувватловчи ва рағбатлантирувчи узлуксиз касбий ривожланиш тизимини яратиш мақсадга мувофиқ.

Профессионал таълимда малака ошириш сифатини юксалтиришда бошқарув ва педагог ходимларнинг шахсий ташаббуси асосида таълим олишга эҳтиёжи, мотивациясини ривожлантириш, ўқув жараёнида ўзаро ишонч ва хайрихоҳликка асосланган ҳамкорлик муҳитини яратиш, таълим дастурларини амалга оширишнинг модулли тизимини жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу жараёнда катта ёшдагилар таълимнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Шахсий ва касбий жиҳатларнинг ўзаро боғлиқлиги, етакчилик роли, касбий, иқтисодий, маиший ва амалий тажриба каби омилларни ҳисобга олиш, касбий фаолият мақсадлари, вазифалари, натижа ва эҳтиёжларига мувофиқлиги асосида ўқув-услубий таъминотини такомиллаштириб бориш муҳим саналади.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН



МЕЗОН

Мақом санъатига ТЕНГСИЗ ИҚТИДОРЛАР КАШФ ЭТИЛАДИ

“Янги ўқув дастурларига қатор фанлар киритилиб, муассасалар зарур мутахассислар билан таъминланди. Хусусан, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари учун янги “Мақом алифбоси” фанининг махсус адабиёти яратилди.

**Азиз ЗОКИРОВ,
Юнус Ражабий номидаги
Миллий мусиқа санъати
институтини проректори**

Ўзбек халқининг мумтоз мусиқа мероси ва ундаги Шашмақом буюклиги, бадий-эстетик имкониятлари билан бошқа жанрлардан ажралиб туради. Мақом халқимизга берилган улкан маънавий меросдир. Мусиқанинг олий намунаси сифатида яратилган бу нодир мерос асрлар давомида асраб-авайлаб келинган. Мақом санъати икки жараён — ижодий ва илмий махсуллар уйғунлиги ҳамда жонли ижрочилик мезони негизда ётади.



XXI асрга келиб мақомлар, хусусан, Шашмақом ижрочилиги турли муносабатлар таъсирида ривожлана бошлади. Шашмақомни ўрганиш ва уни ижро этиш масалаларида, энг муҳими, замонавий ижодиётда турли қарашлар шаклланди. Бугун ҳам мақомлар тадқиқоти ва ижодиётда турфа муносабатлар юзага келмоқда.

Тўғри, мақом мураккаб ва “хос”лар санъатидир. Лекин ҳозирги замон тараққиётида мақом санъатини кенг жорий қилишда, албатта, янгича йўналишлар ва усулларда иш олиб бориш давр талаби. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мақом санъатини такомиллаштиришда, энг аввало, азалий ижро аъёнлари асосида янги ижод намуналарини яратиш билан мумтоз мусиқани ривожлантириш масалаларига бағишланган 20 дан ортиқ қарор ва фармони соҳада янгича муносабатни шакллантирди. Бугун миллий мусиқа санъати соҳасининг таълим жараёнига катта эътибор қаратилмоқда, илмий тадқиқот ишлари ва ижрочилик маҳоратини яхлит тизим асосида уйғун ривожлантириш ҳамда таълим ва маданият муассасаларининг интеграциялашган тизими, яъни миллий мусиқа санъати кластерини яратишга муяссар бўлинди.

Албатта, ҳар бир амал унинг тўғри ўйланган режаси самарадорлиги билан боғлиқ. Кўзланган натижага эришиш учун мақом санъатининг ўрта — илмий, назарий ҳамда амалий мезонлари бўйича иш олиб бориш кўзда тутилди:

— мақом санъатининг азалий аъёнларини қайта тиклаш ва жонлантириш билан боғлиқ илмий, таълим ҳамда амалиётдаги устоз-шогирд аъёнларини давр талабига мос ҳолда янгича замонавий кўринишда шакллантириш;

— мақом санъати тарбияси, яъни таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва бошланғич таълимдан бошлаб ривожланиш интеграциясининг ягона тизимини шакллантириш;

— ўрганиш ва тарғибот масаласини халқаро миқёсга миллийлик негизда олиб чиқиш.

Бу уч жараённи амалга ошириш стратегиясида илмий тадқиқот, амалиёт ва бевосита амалга ошириш мезонларининг оқилона йўли таълим билан боғлиқ. Шу боис, янги жараёнга катта эътибор қаратилиб, таълим тизимини тубдан ўзгартириш ва муқобил тизим яратишга киришилди.

Илк қадам сифатида азалий аъёнларини шакллантиришда раҳнамолик қиладиган икки ихтисослашган марказ — Ўзбек миллий мақом



санъати маркази ва Бахшичилик санъати маркази давлат муассасаси сифатида таъсис этилди.

Марказларнинг асосий вазифаси — мақом ва бахшичилик санъатини илмий жиҳатдан ўрганиш, тарихий ва назарий асосларини қайта тадқиқ этиш, ижрочилик йўналишларини билимдон устозлар бошчилигида ўзлаштириш ҳамда ижрочилик амалиёти бўйича республика ва халқаро миқёсдаги анжуманлар, фестиваллар, танловлар ташкил этиш. Шунингдек, бу санъат турларига тегишли илмий тадқиқот бўйича рисолалар, монографиялар, энциклопедиялар, луғатлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, нота тўпламларини яратиш ва таълим жараёнига татбиқ этиш ҳам ушбу вазифалар сирасига киради.

Мақом санъатини қайта ривожлантириш, бевосита мақом ижрочилигининг замонавий кўринишини шакллантириш борасида қатор йўналишларда тизимли ишлар амалга оширилди. Жумладан:

— 2018 йилдан бошлаб ўн учта вилоятда намунавий мақом ансамбллари ташкил этилиб, уларга ёш, билимдон ижрочилар ва тажрибали устозлар таълим-тарбия беришга жалб қилинди;

— 2019 йилдан бошлаб мақом санъатининг замонавий ижодиётини давр талаби билан мувофиқлаштириш масаласида “Мақомлар асосида яратилган энг яхши композиторлик асари”, “Энг яхши бастакорлик асари” ва мусиқашунослар ўртасида “Энг яхши яратилган ўқув адабиёти” номинациялари бўйича республика танловларини мунтазам ўтказиш йўлга қўйилди. Бу танловлар 3-4 йилдан бери ижобий натижа кўрсатмоқда. Айниқса, композиторларнинг янги замонавий асарлари, бастакорларнинг янги мақом асарлари ва мусиқашуносларнинг монографияси, ўқув адабиёти ва нота тўпламлари ўқув тизимини ислоҳ қилишда самарасини бермоқда. Қўвонарлиси, бу аъёнга айланган, энг қўйи тизимларда ҳам танловлар ўтказиш тобора одатий тус оляпти. Вилоятларда туманлараро ҳар йили ўтказиб келинаётган ёш мақом ижрочилари танловлари мисолида бунга яққол қўришимиз мумкин;

— 2019 йили Марғилон шаҳрида мақом санъатига йўналтирилган ва ушбу санъат турини саҳна маҳорати орқали тарғиб этишга мўлжалланган мақом театри ташкил этилиб, ҳар йили 3-4 та янги спектакль яратилмоқда. Театрнинг мақомга асосланган спектаклларида умуман янги йўналиш, мумтоз мусиқа санъати орқали

— мақом санъатига ихтисослашган таълим жараёнининг янги босқичи олий таълимда муайян йўналишга асосланган махсус таълим муассасаларини ташкил этишдан бошланди. Бунга Ўзбекистон давлат консерваториясида деярли 50 йилдан бери мавжуд ўзбек мақоми тарихи ва назарияси (аввалги Шарқ мусиқаси) кафедрасига асосланиб, мақом санъати факультети ташкил этилди. Консерватория ўқув жараёни жадаллари мақомга ихтисослаштирилган фанлар билан бойитилди;

— олий таълимга тайёрловчи база сифатида Бухоро, Урганч, Фарғона ҳамда Тошкент шаҳарларида мақом санъатига ихтисослаштирилган янги минтақавий (локал) мактаб-интернатлар, бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган республика мактаб-интернатлари ташкил этилиб, 5, 6, 7-синфларга иқтидорли ўқувчилар танлаб олинди. Уларга янгида мақом санъатига мослаштирилган ўқув режалари, ўқув-фан дастурлари ва устоз-шогирд аъёнларига асосланган ҳолда янгича таълим бериш бошланди;

— янги ўқув дастурларига қатор фанлар киритилиб, муассасалар зарур мутахассислар билан таъминланди. Хусусан, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари учун янги “Мақом алифбоси” фанининг махсус адабиёти яратилди;

— 2020 йили мақом санъатига ихтисослашган Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ўтказилган тарихий, назарий ва ихтисослиқ фанларини тубдан янгилади. Талабалар учун “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси” фани киритилди. Барча йўналишларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, фан дастури ва ўқув

адабиётлари тайёрланди, ўқув жараёнига татбиқ этилди;

— аъёнанин йўналишда таълим олаётган барча талабалар учун махсус “Аруз ва мусиқа”, “Мақом туркумидаги ғазаллар поэтикаси”, “Аруз ва ритм”, “Мақом сольфёжисии” фанлари жорий қилинди. Бу фанлар бўйича алоҳида мутахассис тақлиф этилиб, таълим жараёни йўлга қўйилди;

— магистратура босқичига эса “Шарқ халқлари мақомлари”, “Мақомот замонавий композиторлик ва бастакорлик ижодиётида” каби фанлар киритилди. Бу миллий бастакорлик санъати йўналишида ушбу соҳанинг замонавий авлодини тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этади.

Албатта, янги фанлар ва янги йўналишлар жорий қилиниши бевосита маҳоратли мутахассисларга эҳтиёжни оширади. Зеро, мақом санъати мукамал жанр ва унинг негизда ижодий мезон алоҳида аҳамият касб этади. Айни жараён мутахассисларни топиш ва жалб этиш масалаларида қўл келади. Институтдаги таълим жараёнининг амалий ижрочилик билан боғлиқлиги ва унга катта эътибор қаратилиши ҳам муаммага ечим бўла олади.

Замонавий жараён давр талаби даражасида муносабатни талаб этади. Янги педагогик технологиялар, ижрочилик мактаблари ва услубларининг шаклланган аъёнларини ўзлаштириш ҳар бир ижрочидан ижодий ёндашишни талаб қилади. Бу жараён янгича талқинлар ва янгича сайқаланган асарлар ижросини кашф этади.

Масалан, таълимга “Аруз ва мусиқа”, “Мақом туркумидаги ғазаллар поэтикаси”, “Аруз ва ритм”нинг киритилиши ва мутахассиснинг машғулоти талабаларни нафақат мусиқий, балки бадий

жараённинг мусиқа билан ҳамоҳанг ривожланиш аъёнларини ўзлаштиришга ундайди, янгича қарашлар билан мусиқий тафаккурнинг шаклланишига сабаб бўлади. Айниқса, “Мақом сольфёжисии”нинг миллий оҳангларидаги намуналари ва уларни қуйлаш техникаси, метро-ритмик формулаларининг миллий негизда ранг-баранг кўринишда ижро этилиши ҳар қандай талабани мустақил ижодга қорлаши мукаррар.

Муаммолар ҳамиша бўлган. Агар улар бўлмаса, ривожланиш ҳам бўлмайти. Масалан, мақомлар ижросида азалдан нимпарда муаммоси бўлган. Тўғрироғи, ижро амалиётида устоз санъаткорларнинг ижро талқинларида гўзал ифодаланган. Лекин унинг муайян назариясини яратиш доимо муаммо бўлиб келган. Бунинг биринчи сабаби тингловчиларнинг қўлоғига Европача услубдаги лад ва товушқаторлар деярли 1 аср давомида муҳрланиб қолганидир. Уларни ўргатиш учун давлат таълим жараёнига ўз таъсирини кўрсатиши керак. Бу борада Мақом маркази ва институтнинг етакчи мусиқашунос олимлари ва устоз созандалари томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бирламчи ютуқлар ҳам мавжуд. Қайд этиш жоизки, бу жараён XVI асрда мавлоно Абдураҳмон Жомий томонидан бошлаб берилган. Тўғри, ўзбек мақомларининг ижрочилик санъатида асосий омил ижрочи томонидан амалга оширилиши ва нимпардали оҳанг тараннуми ҳам айнан ижрочи қарорига боғлиқ экани ўз исботини топмоқда. Яқин кўнларда Мақом марказининг илмий тадқиқот шўъбаси ва институтимиз олимлари томонидан бу масалага оидлиқ киритилиб, ўзбек миллий мусиқа назарияси таълим жараёнига татбиқ этилади.

Бу каби ҳаракатлар мақом ижрочилик амалиётига ўзига хос ўзгаришлар олиб келиши мукаррар. Ҳозирнинг ўзида бундай нимпардалар билан ижро этишга уринишлар бор. Мақомлар ва мумтоз мусиқа ижрочилигидаги янгича талқинлар, мусиқа намуналарининг асл мавзуси, қўйи сақланган ҳолда, турли нақш ҳамда безаклар, тембрли оҳанглари билан ранг-баранг ижро этиш омалашмоқда. Масалан, мақом ансамбли ҳақ орасида кенг омалашган “Муножот” ашуласини ана шундай янгича оҳанглари билан беэа ижро этиди. Бунча замонавий ижрочиликда янги тенденция деб қабул қилиш ўринли бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, институтнинг асосий таълим мезони, функцияси ўзбек миллий мусиқа меросини асл ҳолда қайтадан тиклаш, уларни замон талаблари доирасида талқин этишга эришишдир. Шунингдек, уларнинг аъёнларини сақлаш ҳолда, замон ва маконларга хос унсурлар билан бойитиб, янги ижро намуналарини шакллантириш ҳамда замонавий тасвирларда халқимизга тақдим этишдан иборат. Умид қиламизки, янги олий даргоҳ бу борада ишончли оқлаб, бебаҳо санъатимизнинг қўпалаб забардаст вақилларини камолга етказди.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун бўяни расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақлаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-646.
41011 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржовов
Мусаххус: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбўтчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 00:05 Топширилди — 00:20

Қабулхона: (71) 233-56-33

Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz

Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05